



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2015 йил 23 июнь, СЕШАНБА

№ 128 (12.941)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

БУЮК МАМЛАКАТНИНГ БАРКАМОЛ ЁШЛАРИ

Пойтахтимизда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли ва ижтимоий фаол ёшларнинг «Талабалар фестивали» бошланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақил фикрлайдиган, ўз манфаатларини Ватан ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Талабалар фестивали» ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Фестиваль иштирокчилари дастлаб мамлакатимизнинг бош майдонида бўлиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Ёшлар ижод саройида ўтказилган фестивалнинг очилиш маросимида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ганиев ва бошқалар ушбу ёшлик ва нафосат байрами иқтидорли ёшларнинг талабалик даврини мазмунан янада бойитиш, ҳаётда ўз ўрнини топишга бўлган иштирокини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Талабалик инсонга эзгу орзулар рўёбини, илм эгаллашга бўлган ишжоятни, қувончларга тўла илиқ хотираларни тўхфа этиши билан қадрли, дейди ЎЗА мухбирига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши мувофиқлаштирувчиси Абдулазиз Мўминов. — Бу даврда ёшлар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳити, дўстлик алоқаларини шакллантириш, ўзаро тажриба алмашиш

ва илмий фаолият олиб боришда бир-бирига кўмаклашиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу талабаларнинг мамлакат тараққиёти йўлида бирлашишига, уларнинг илмий-ижодий фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга, жамоат ишларидаги фаоллиги, ташаббускорлигини рағбатлантиришга хизмат қилади. «Талабалар фестивали»ни ўтказишдан ана шундай эзгу мақсадлар кўзланган.

Илмий-ижодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ва спорт-соғломлаштириш характериغا эга бўлган мазкур фестиваль 2008 йили Самарқанд, 2010 йили Бухоро, 2013 йили Хоразм вилоятларида ташкил этилган. Пойтахтимизда ўтказилаётган бу галги тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан беш юз нафардан ортиқ талаба-ёш иштирок этмоқда.

Ёшлар ижод саройида ташкил этилган кўргазмада олий таълим муассасаларида яратилган шарт-шароитлар, иқтидорли талабалар томонидан илм-фан ва таълим жараёнида эришилган ютуқлар акс эттирилган.

Хоразмда ўтказилган фестивалда жамоамиз муваффақиятли қатнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлган эди, дейди Урганч давлат университети талабаси Юлдуз Бобоқонова. — Бу ҳаётимда ижобий ўзгаришлар ясади, юксак марралар сари дадил одимлашга туртки берди. Ўзим ултраовуш маълумотлари ёрдамида юрак қоринчалари бўшлиғининг ҳажмини аниқлаш, томирларда қон ҳаракатини математик

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда



Отабег Мирсоатов олган сурат

моделлаштириш бўйича тадқиқот олиб бормоқдаман. Бу юрак-қон томир касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва даволашда қўл келади. Қувончлиси, соҳа мутахассислари изланишларининг истиқболли эканини таъкидламоқда. Ушбу кўргазмада илмий ишнинг илк самараларини намойиш этдим. Мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан биз, ёшларга берилаётган улкан эътибор, ҳар томонлама камол топишимиз учун кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликка муносиб бўлиш фарзандлик бурчимиздир.

Фестиваль доирасида «Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция, «Ўз» доменини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни» мавзусида даяра суҳбати, ёшларнинг давлат ҳокимияти органлари вакиллари билан учрашуви, иқтидорли ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган «Мунозара» турнирининг мамлакат босқичи ташкил этилди. Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институтида «Дипломатик этикет», «Ижтимоий тармоқлар ва улардан тўғри фойдаланиш», «Ўз имкония-

тини баҳолаш (психологик машғулот)», «Деструктив ташкилотлар ва уларнинг таъсиридан сақланиш», «Давомли ва сифатли карьера сирлари» каби мавзуларда маҳорат дарслари ўтказилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Заминдан олис кетма» спектакли, «Шунқорлар» бадиий фильми намойиши, «Қувонқлар ва зукколар» кўрик-танлови, «Камолот кубоги» футбол шоу-си фестивал иштирокчиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, танкили санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурлари ёшларга улкан эстетик завқ бағишлаши шубҳасиз.

«Талабалар фестивали» доирасида ёшларнинг билим ва тафаккурини бойитиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилади. Зеро, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ўз ишининг етук мутахассиси бўлган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ёшлар келажаги буюк мамлакатни барпо этишга қодир.

Дилшод КАРИМОВ

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти туризм соҳасидаги икки янги академик таълим дастурини жорий қилди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Бакалаврият йўналиши учун «Амалий туризм ва меҳмонхона менежменти» дастури Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юртиларидан бири Сандерленд университети томонидан тақдим этилди. Буюк Британиянинг яна бир нуфузли Бангор университети эса магистратура учун мўлжалланган «Халқаро туризм ва меҳмонхона менежменти» дастурини тақдим этди.

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти декани Венкатеш Наганатан ушбу олий таълим муассасасида бўлиб ўтган матбуот анжумани ва Очик эшиклар кунини шу ҳақда маълум қилди.

Мамлакатимизда туризм соҳаси учун топ-менежерларни тайёрлаш долзарб масала экани таъкидланди. Чунки юртимизга келаётган сайёҳлар оқими йил сайин кўпайиб бормоқда. Институт биттирувчилари келажақда меҳмонхона хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаси менежерлари, курорт-соғломлаштириш муассасалари бошқарувчиси бўлиб ишлаши, туризм соҳасида хусусий бизнесини ташкил этиши мумкин. Бу ерда таъсил олган мутахассислар инновацион сайёҳлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мамлакатимиз учун муҳим бўлган стратегия ва ҳудудий режалаштириш борасида зарур билим ва кўникмага эга бўлмоқда.

Матбуот анжуманида институт мунтазам тақомиллаштиш йўлидан дадил бораётгани тўғрисида таълимнинг янги йўналишлари очилаётгани ва мавжудларининг ривожлантирилаётгани таъкидланди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур таълим муассасаси саккиз йилдан буён илгор халқаро таълим стандартлари даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда, ёшларнинг салоҳиятини рўйбга чиқариш учун шароитлар яратмоқда.

Ўтган давр мобайнида Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш

институтинида иқтисодиёт ва саноатнинг турли тармоқлари учун мингдан зиёд юқори малакали кадр тайёрланди. Айни пайтда бу ерда 2 мингдан зиёд бакалавр ва магистрант таҳсил олмақда.

Буюк Британия ва Австралининг етакчи олий ўқув юртилари таълим дастурлари асосида фаолият юритаётган институтда таълим сифатида алоҳида эътибор қаратилаётди. Ушбу олий ўқув юртида академик жараён Сингапур Республикасидаги бош институт, шунингдек, ҳамкор университетларда қабул қилинган таълимчилар, таълим стандартлари, дарс жадвали ва дастурлариға мувофиқ ташкил этилган. Жорий йилнинг апрель ойида институт ISO 9001:2008 халқаро стандарти талабларига мувофиқлик сертификатини олди.

Таълим муассасамиз бизнесни бошқариш соҳасига ихтисослашган магистратура — MBA дастурини тақлиф этмоқда, — дейди ЎЗА мухбирига Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг маркетинг департаменти бош менежери Умида-хон Наримонова. — Магистратурага кириш учун инглиз тилининг IELTS тизими бўйича 6,5 баллдан кам бўлмаган сертификат, бакалавр дипломи, шунингдек, 4 ойлик иш тажрибасига эга бўлиш лозим. MBA таълим дастурига ҳар қандай касб эгалари кириши мумкин. Бу борада ёш чекловлари мавжуд эмас. Бундан ташқари, ишлайдиган магистрантлар учун дарс жараёни уларнинг вақтига қараб белгиланади.

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти вакиллари журналистлар ва Очик эшиклар куни меҳмонларини олий ўқув юртида яратилган замонавий шароитлар ва имкониятлар билан таништириб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Сардор ТОЖИЕВ

Фармон ва ижро

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда иқтисодийнинг мустақам таянчи, аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг муҳим омилга айланди. Соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етгани, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг исботидир.

Бу Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор, тадбиркорларга барча шароит ва имкониятлар таъминлаб берилаётгани натижасидир. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Унда хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийдаги ўрни ва ролини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қўлай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбат яратиш кўзда тутилган.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш борасида тегишли идоралар ҳамкорлигида зарур ишлар олиб борилаётган. Жумладан, соҳага оид қонунчиликни тақомиллаштиришга оид тақлифлар тайёрланаётди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган йўналишда шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Парламент

қўйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Бош прокуратура, Олий ҳўжалик суди, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида хусусий мулк ҳуқуқи устуворлиги изчил таъминланаётгани тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Замон талабидан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича ишончли ҳуқуқий кафолатлар янада мустаҳкамланмоқда.

Бу борада Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари томонидан тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатларини таъминлаш соҳасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини тубдан яхшилаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

лоийҳалари тайёрланмоқда. Хусусан, 78 ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ва 30 идоравий меъёрий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилган. Ишламаётган ва зарар қўриб ишлайётган 395 тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланишига амалий ёрдам кўрсатилган. Натижада ушбу субъектларда 1,3 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилган.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни аниқлаш ва уни бартараф этиш мақсадида Таъсирчиларнинг рўйхати олиш китобиға қайд этишнинг электрон тизими жорий этилмоқда. 2015 йилнинг биринчи чорагида назорат қилувчи органлар томонидан юзга яқин тадбиркорнинг фаолияти ноқонуний текширилгани аниқланган. Қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан адлия органлари томонидан қилинган таъсир чораларига асосан 36 нафар шахс жавобгарликка тортилган. Ноқонуний қабул қилинган 23 қарор бекор қилинган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида қатор мансабдор шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. Судларга тадбиркорлар манфаатларини қўзғаб 533, шунингдек, фермерларни ҳимоя қилиб 2 мингдан ортиқ даъво ариза киритилган.

Анжуманда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунчилик механизмларини янада тақомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ЖАҲОНДА

● Япониялик олимлар бир томчи қондан 3 дақиқа ичида онкологик касалликни эрта босқичида аниқлаш имконини берадиган технологияни яратишди. МУТЕСН компанияси Сёва университети қошидаги Тоё-сифоҳонаси билан биргаликда ушбу технологияни яратди. Компания бунинг учун махсус таркибга эга металлдан пластина яратди.

● НАСА мутахассислари биринчи марта Плутон сайёрасининг рангли тасвирини оммага тақдим этди. Шунингдек, сайёра йўлдоши — Хароннинг Плутон атрофида ҳаракатланиши ҳам тасвирга олинган. Олимлар бу янгиликни оламшумул дея баҳолашмоқда. Сабаби, бунгача сайёранинг рангли тасвири мавжуд эмасди. Тадқиқотга раҳбарлик қилган Алан Стернинг маълум қилишича, Плутоннинг ташқи кўриниши альпсини рангига ўхшаб. Харон эса — қуланг.

● Жанубий Корея Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳисоботида қайд этилишича, мамлакатда MERS вирусга қурбонлари сони 27 нафарга етган. Шунингдек, айни вақтда вирусга чалинганлар 166 кишини ташкил этмоқда. Ўз навбатида, хасталикка чалинган гумон қилинган 50 нафардан ортиқ кишининг соғломлиги аниқланиб, уларга жавоб берилган.

Янги қонун кучга кирди

БИРОНТА ҲАМ МУРОЖААТ
ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА
ҚОЛМАЙДИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида ҳар бир инсонни қадрлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2014 йил 3 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик мажлисидаги қонун ҳужжатларининг таъминланиши ва самарали ҳимоя қилинишини тартибга солишда муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.

Мазкур қонун мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, идора ва ташкилотларда мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида жойларда кенг қўллади тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар масъул ходимлари иштирокида бўлиб ўтган семинар ушбу масалага бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи И.Жасимов ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш олий қадрият эканини, амалда оширилган мурожаатларни барча ислохот ва янгиланишлар шу мақсадга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мурожаат қилиш ҳуқуқининг қонун асосида мустақамлангани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини яратди.

Қонунда мурожаатларнинг шакллари, уларга қўйилган талаб-


лар аниқ баён этилган. Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ўз ифодасини топган.

Қонун талабларини самарали қўллашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги «Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Иштирокчиларга низоми талаблари ва уни амалиётда қўллаш тартиби батафсил тушунтирилди.

Семинарда идора ва ташкилотларда мурожаатлар билан ишлаш механизми шаклланиётгани мурожаат этувчиларнинг манфаатлари таъминланишига хизмат қилаётгани қайд этилди. Бу тизим мурожаатларнинг қамқовчанлиги ҳамда ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Анжуманда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар, амалиётда учраётган масалалар юзасидан мутасаддилардан жавоб олди.

(ЎЗА)



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан «Енгил саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш масалалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманлар

ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОФИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири — бу енгил саноат бўлиб, бугунги кунда унинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Тадбирда мамлакатимизда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тармоқни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олгани ўзининг ижобий самарасини бераётгани таъкидланди. Асосий йўналишлар сирасига пахта толасини қайта ишлаш салмоғини кўпайтириш, ишлаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, юқори технологияли янги корхоналар барпо этиш, ички бозорни тайёр маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлаш ва тармок экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган қулай иш муҳитидан самарали фойдаланиш киритилган.

Республикаимизда етиштирилган пахта толасининг мамлакат иқтисодида қайта ишланган ҳажми 1991 йилдаги 7 фоиздан 2014 йили 35 фоизга ошди. 180 дан ортиқ инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Натижада бугунги кунда енгил саноат тармоғи корхоналарида 70 мингдан зиёд ходимлар фаолият олиб бормоқда. Таъкидлаш кераки, сўнгги 3 йил мобайнида умумий қиймати 575,3 миллион АҚШ долларига тенг 92 та саноат корхоналари ишга туширилди. Қувонарлиси эса 11,6 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Компания томонидан муҳим лойиҳалар амалга оширилиши натижасида Қўқон тўқимачилик комбинати негизда ташкил этилган йилга 29 минг тонна ип ишлаб чиқариш қувватига эга «Индорама Коканд Текстиль» қўшма корхонаси, Хоразм вилоятида «Ўзтекс Групп» томонидан «Свис Капитал» (Швейцария) компанияси билан ҳамкорликда йилга 12 минг тонна ип-кавала тайёрловчи тўқимачилик комплекси, собиқ «Ўзбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда ташкил этилган Швейцариянинг «Ритер — Ўзбекистон» хорижий корхонаси ишга туширилди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибда 270 та кичик корхоналар фаолият юритмоқда. Корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларининг улуши 50,2 фоизни ташкил этади.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан умумий қиймати 99 миллион долларга тенг 18 янги корхона ишга туширилди. 43,1 миллион долларлик экспорт салоҳиятига эга бу корхоналарнинг фаолият бошлаши натижасида мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

Харид баҳонасида Қўйлик бозорига қатнайдиган йўналишли таксини тўхтатарканман, мен билан яна уч ўспирин «Мотор заводига» дея машинага чиқди. Қизиқсиниб, уларни гапга солдим.

— Бир неча йил аввал акам коллежни тамомлаб автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган ана шу заводга ишга кирганди, — дейди ўзини Сардор дея таништирган ўспир. — Ушанда акамга ҳавасим келганди. Мана, юртимизнинг энг йирик корхоналаридан бири бўлган ушбу заводда мен ҳам ўқув амалиётини ўтадим, эрта-индин коллежни тамомлаб, иш бошлайман.

Халқро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича ёшлар муносиби иш топишда қўллаб-қувватловчи дўш келмоқда. Шу боис 2000 йилдан 2011 йилгача ишчи ходимлар таркибиде ёш авлод ҳиссаси 52,9 фоиздан 48,7 фоизга қисқарган. Сўнгги йигирма йилда ёшлар ўртасидаги ишсизлик катта авлод вакилларига нисбатан уч баравар ошган.

Шундай бир шароитда мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган улкан ишлар наинки халқимиз, балки хориқликларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мутасил ривожланиб, ишлаб чиқариш техник ва технологик модернизация қилинаётгани ҳар йили бир миллионга яқин янги иш ўрни яратилишига имкон бермоқда. Иш билан таъминланаётганларнинг 500 мингга яқини касб-хунар коллежлари битирувчилари эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ касб-хунар коллежларида таълим бериш билан бир қаторда меҳнат бозорига талаб юқори бўлган икки-уч мутахассислик бўйича ўқитиш тизимининг йўлга қўйилгани битирувчиларнинг иш билан таъминланишини тўлиқ кафолатлайди.

Республика Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказидан маълум қилишларича, жорий йилда мамлакатимиздаги 1403 касб-хунар коллежини 482 минг 598 йигит-қиз тамомлайди. Ҳозирги кунга қадар уларнинг 475

мингдан зиёди билан ишга қабул қилиш бўйича шартномалар тузилган бўлиб, бу жараён давом этмоқда.

Битирувчиларни ишга қабул қилиш корхона ва ташкилотлар учун ҳар томонлама манфаатли бўлмоқда. Бу касб-хунар коллежларида таълим сифати ошиб бориши натижасида битирувчиларнинг касб билан ва маҳорати юксалаётгани, қолаверса, ёшлар билан меҳнат шартномаси имзолаган

солиқ имтиёзлари қўлланилаётгани самарасида кейинги йилларда ўз келажагини бизнес билан боғлашга қарор қилган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

2014 йилда 33 мингдан ортиқ йигит-қиз тижорат банкларига имтиёзли кредит ажратиши шўраб мурожаат этган бўлса, улардан қарийб 20 мингга 118,5 миллиард сўм миқдорда кредит берилган.

Битирувчиларнинг тадбиркорлик бўйича билим ва қўникмаларини мустаҳкамлаш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўқув-семинарлар мунтазам ўтказилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида ана шундай семинар ва учрашувларда йигит-қизларга тадбиркорлик сир-асрорлари ҳақида маълумотлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий йилда тижорат банклари томонидан битирувчиларга ажратиладиган имтиёзли кредитлар ҳажми кўпайтирилиб, 250 миллиард сўм этиб белгиланган.

Тошкент тижорат касб-хунар коллежи битирувчиси Ҳасан Шомасудов ҳам қўпчилик тенгдошлари қатори ушбу қулайликлардан фойдаланган ҳолда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагиде.

— Коллежда ўқиш давомида тадбиркорлик бўйича назарий билимларни кунт билан ўргандим, — дейди Ҳасан. — Ҳар томонлама ўйлаб, чиқинди қозони қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режа ишлаб чиқдим. Ҳозирги кунда банкдан имтиёзли кредит олиш ҳаракатидаман.

Қувонарлиси, бугун янгича фикрлайдиган, замон билан ҳамқадам ёшларнинг ҳар қадамда учратиш мумкин. Бу касб-хунар коллежи битирувчиси шунчаки ўрта махсус маълумотга эга кичик мутахассис эмас, балки ўз келажагини аниқ тасаввур эта оладиган янги авлод бўлиб камол топаётганидан далолат беради.

Бехзод БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбириБИЛИМДОНЛАР
БЕЛЛАШУВИ

Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «Билимлар беллашуви — 2015» интеллектуал танлови якуний босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирини У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида эртаимиз эгалари бўлиш ёш авлодининг билимининг янада ошириш, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланганини алоҳида таъкидлашди.

— Мен мазкур танловда иштирок этаётганимдан жуда хурсандман, — дейди Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактабнинг 8-синф ўқувчиси Аббос Сайлиев. — Юртимизда мен каби ёшлар учун имконият эшиклари кенг очилиб, чексиз меҳр ва эътибор кўрсатилаётган. Бу эса бизнинг ўқишга бўлган иштиёқимизни янада орттирмоқда.

Ўқувчилар аниқ, табиий ва ижтимоий (математика, физика, информатика, кимё, биология, география, тарих, ҳуқуқ, иқтисодий билим асослари фанлари) ҳамда филология фанлари (она тили ва адабиёт, инглиз, француз, немис тиллари, ўзбек тили ва рус тили) йўналишларида ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Беллашувларда юқори натижага эришган ўқувчилар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Кўёшли» интеллектуал-ривожлантириш оромгоҳида хордиқ чиқариш имкониятига эга бўлади.

Мазкур оромгоҳда ўқувчиларни соғломлаштиришни ташкил этиш билан биргаликда, ҳар бир фан бўйича мамлакатимизнинг етакчи фан арбоблари, маданият ва санъат ходимлари иштирокида фан кечалари, маҳорат дарслари, викториналар, турли танлов ва мусобақалар ўтказилиб, ўқувчиларнинг фан ва техника соҳасининг етук олимлари, мактабларнинг эса олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

Зафар НАЗАРОВ

Сўранг,
жавоб берамиз

Нотариал тартибда расмийлаштирилган ишончнома қандай ҳолларда ва қандай асосларга кўра бекор қилиниши мумкин?

О.Эргашев,
Яшнобод тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 141-моддасига асосан, ишончноманинг амал қилиши 7 асосга кўра бекор бўлади:

- ишончнома берган шахсининг ўлими;
- ишончнома берилган шахсининг бош тортиши;
- номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;
- номига ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;
- ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки «бедарак йўқолган» деб ҳисобланиши ёхуд унинг вафот этиши;
- ишончнома олган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки «бедарак йўқолган» деб ҳисобланиши ёхуд унинг вафот этган ҳолларда ишончноманинг бекор бўлиши белгиланган.

Бўрибой МИРАЛИМОВ,

Мирзо Улуғбек туманидаги 6-сонли ДНИ катта
нотариуси

Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида эшитганман. Лекин уларнинг бир-биридан фарқи, ҳуқуқ лаёқати ҳамда кимларга ва қандай ҳолларда тайинланиши кераклигини билмайман. Шу тўғрисида маълумот берсангиз.

Қ.Зокоров,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 30-моддасига асосан:

— руҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, деб топиши мумкин. Бундай ҳолатда фуқарога васийлик белгиланади.

Муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқаро номида унинг васийси битимларни амалга оширади.

Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, деб топилганига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли, деб топади ва унга белгиланган васийликни бекор қилади.

Фуқаролик кодексининг 31-моддасига мувофиқ: спиртли ичимликларни муттасил равишда истеъмол қилиши натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин. Унга ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро фақат майда маийий битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. У бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши мумкин. Лекин бундай фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкий жавобгар бўлади. Фуқаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади, ҳамда фуқарога белгиланган ҳомийлик суд қарори асосида бекор қилиниши белгиланган.

Наргиза МИРСАТОВА,
Шахноза ХОДЖАЕВА,

Учтепа туманидаги ДНИ нотариуслари

Мен бир муассасада узок йиллар давомида ишладим. Соғлигим ёмонлиги учун ногиронлик нафақасига чиқиш ниятидаман ва шу сабабли ишдан бўшамоқчиман. Ишдан бўшашдан аввал менинг қонуний ҳуқуқларим нималардан иборат бўлади?

Н.Ўқтамов,
Олмаот тумани

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан: ходимга муайян муддатга тузилган меҳнат шартномасидаги, муддатли меҳнат шартномасидаги келишувга кўра, икки ҳафта олддин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат дафтарчаси берилиши ва у билан ҳисоб-китоб қилиниши шарт. Ходим билан иш бериш ўртасидаги келишувга буюнон, меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамагандан олддин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 151-моддасига асосан:

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшаётган ходимга фойдаланилмаган барча ийлик, асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўлиниши белгиланган.

Азиза БОҚИЖОНОВА,
Сергели туманидаги 1-сонли ДНИ катта
нотариуси

Жиянимнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада унинг исмини ёзишда айрим хатоликлар бор экан. Энди бу хатоликларни тузатиш учун нима қиласан бўлади? Эшитишимча, бунинг учун ФХД бўлимига маълум миқдордаги тўловни амалга ошириш керак экан. Шу тўғрими?

Н.Халиқова,
Юнусобод тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд қилиш қоидалари»нинг 155-қисмига асосан ило хатолари мавжуд бўлганда фуқаролик ҳолатлари далолатномаларига ўзгартириш киритилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божни ставкаларининг 5-қисмига кўра:

Туғилганлиги, никоҳ тузилганлиги, никоҳнинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги ва ўлим ҳақидаги ёзувларга ўзгартириш, тўлдирish, тузатиш киритиш ва қайта тиклаш муносабати билан гувоҳнома бериш учун белгиланган миқдорда давлат божни ундирилиши белгиланган.

Дилшод МАКСУМОВ,
Яккасарой туманидаги 8-сонли ДНИ
нотариуси

Зийрак бобо шахар кезади

Биз бу гал ҳам пойтахтимизнинг бир қатор туманлари маҳаллаларини кўздан кечирдик. Сафаримиз давомида ободлик йўлида кўплаб савобли ишлар қаторида кўнглини гаш қиладиган ҳолатларни кўриб, айрим бефарқ кишиларни жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда лоқайдлик уйқусидан уйғотишимиз кераклигига яна бир бор амин бўлдик.

Сергели тумани 1-мавзесидаги «Наврўз» маҳалласининг кўп қаватли уйлари олдида келганимизда атрофни кўриб хурсанд бўлдик. 32-уйнинг барча кириш йўлаклари бирдек чиройли қилиб таъмирланган, йўлак эшиклари ва деразаларига замонавий ром ҳамда эшиклар ўрнатилган. Атрофга гуллар экилган, тоза ва орас-та. Йўлак ичкариси шинам ва ёруғ.

«Оқибат» маҳалласидаги 13-уйнинг 6 ва 7-кириш йўлаклари рўпарасида эса юқоридаги ҳолатнинг мутлақо аксини кўрасиз. Қуриган ўтлар ўрилмаган, бунинг устига, майда-чуйда чиқиндилар тўлиб кетган. Ана шундай жойда болалар ўйнашяпти.

«Янги ҳаёт» маҳалласини айлانганимизда кўп қаватли уйлarning аксарияти бизда ижобий таассурот қолдирди. Маҳалла фуқаролар йиғини идораси олдида келганимизда, идора атрофи кўаламзорлаштирилиб, гуллар экилганини кўрдик. Бу ҳолат кишида яхши кайфият уйғотди.

«Иттифок» маҳалласидаги 30-уй ва Сергели тумани «Баркамол авлод» болалар марказининг ёнидаги спорт майдончаси ачинарли ҳолатда. Майдончадаги спорт жиҳозлари эскириб, ярами йўқолиб кетган. Масалан, баскетбол шитларининг бири умуман йўқ, бориинг эса тўп ташланадиган ҳалқаси кўринмайди. Футбол, волейбол майдонлари ҳам бундан қолшмайди. Бу ҳам етмагандай майдоннинг бир бурчагига қурилиш чиқиндилари, яъни бетон бўлаклари тўкиб кетилган.

Шундан сўнг **Яшнобод** тумани томон йўл олдик. «Баҳор» маҳалласидаги 81-уйнинг биринчи кириш йўлаги тозалик борасида намунадагидек. Атроф кўаламзорлаштирилган. Йўлакнинг икки қисми ҳам шинам ва ёруғ. Мана шу уйнинг иккинчи кириш йўлаги ҳам биринчисидан қолшмайди.

Кўп қаватли уйлarning кириш йўлаклари тоза бўлсаю ён атрофида чиқиндилар ва бошқа хунук манзара касб этадиган ҳолатлар кўзга ташланса, бу умумий кўринишга салбий таъсир этади. «Тузел» маҳалласидаги 2,4 ва 12-уйларнинг ўрта қисмида ана шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик. Кенг майдоннинг ўртасида қурилиш чиқиндилари, дарахт шохлари тўпланиб турибди.

«Парвоз» маҳалласидаги 31-уйнинг 2 ва 5-кириш йўлаклари шинам ва орас-та, чиройли таъмирланган. Уй олдидаги болалар майдончасида ҳам кичкинтойларнинг ўйнаб дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё.

«Бирлашган» маҳалласида жойлашган 1-кўп қаватли уй олдидаги гаражлар атрофини кўриб, ҳар қандай кишининг кўнгли бузилади. Гаражларнинг оралари чиқиндилар билан тўла. Қуриб қолган ўтларнинг аксарият қисми ёкиб юборилган. Бу жойдан чиқадиган хиднинг инббб оёломатлигига зарарлигини нахотки ҳеч ким англаб етмаса? Аксинча, ҳаммамиз буни яхши биламиз, шундай бўлсада «ХУЖМШ» ходимлари ёки маҳалла фаоллари уйласин», деб кетаверамиз. Баъзида улар ҳам ўйлашмайди. Бир сўз билан айтганда сансалорлик.

Дарҳақиқат, маҳаллаларни айлансанг турли ҳолатларга дуч келаверар экансан.

Рўзани рамазондек улуг айём кунларида азалдан кўча ва ҳовилиримизни озода тутиш одат бўлиб келган. Шундай кўтлуг кўнларда кўп қаватли уйлardan бирининг болалар ўйин майдончаси атрофида бир оддий манзаранинг гувоҳи бўлдик.

Майдонча атрофидаги ўриндиқда сило кийинган ёш аёллар ўтирар, иккови ҳам писта қақиб, пўчқларини бемалол ерга ташлашарди, қўлларидagi уяли телефон

орқали дамба-дам баланд овоз билан мулоқот қилишарди.

— Яхши дам олиб ўтирибсизларми? Писта пўчоғини ерга ташлаш яхши эмас-ку?

— Ўзи ўргатадиганлар кўпайиб кетди, — дея жаҳл қилиб ўринларидан туриб кетишди. Аммо атрофдагиларга эса барибир. «Менга нима» дея томошабин бўлиб туришгани ҳаммасидан ўтиб тушди.

Яна бир гап. Кўп қаватли уйлardan бири йўлагининг бўёқлари кўчиб, таъмирталаб ҳолда эканлигига афсус ила назар ташлаб тургандик, йўлақдан башанг кийинган бир киши икки ўғлини етаклаб чиқиб қолди.

— Йўлакларингиз таъмирталаб бўлиб қолган экан-а, — деган эдик ҳам маломатта қолдик.

— Бу ширкатдагиларнинг иши, қарамаганидан кейин ахвол шу-да, — дея терс жавоб қайтарди у.

— Кўни-қўшилларингиз билан ҳамжиҳатликда ушбу ишни охирига етказса бўлади-ку, — дейишимиз билан: «Сизлар ўзи кимсизлар, нима ишингиз бор?», дея жаҳл

БИР КЎРИБ КЕТИНГ
МАҲАЛЛАМАНИ...

Сергели, Яшнобод ва Бектемир
туманларини айланиб, шахримиз бўйлаб
дастлабки сафаримизни яқунладик.

қилиб машинасига ўтириб жўнаб кетди. Ахир ширкатни ўзлари сайлашадик, нахотки бу йигит шуни билмаса. Боз устига битта йўлақда саккизта хонадон бўлса, нахотки улар орасидан хайрли ишларни жони-дили билан қиладиган лоақал иккита инсофли оила топиламаса? Шундай ўй билан **Бектемир** туманига йўл олдик.

«Истикбол» маҳалласига қарашли 1 ва 2-уйлар олдидаги болалар майдончаси рисоладагидек. Болаларнинг ўйнаб дам олишлари учун аттракционлар ишлаб турибди, бу жой орасталangan.

Бундан анча олдин тумандаги **Зилола** маҳалласига борганимизда 75 ва 77-уй эгалари бир нарсадан нолишган, яъни 75-уйнинг орқасидаги катта чиқинди майдони борлигини гапирган эдилар. Бу галги сафаримизда ҳам маъмур жойдаги ҳолатдан хабардор бўлиш учун ўша манзил томон бордик. Афсуски, майдон чиқиндилар билан тўла. Балки мутасаддилар, яшовчилар бу майдонни обод қилиш учун чора излаб топишар, дея ўзимизга таскин бергандек бўлдик.

«Роҳат» маҳалласи ҳудудидаги 44-б уйнинг биринчи кириш йўлаги кишига яхши кайфият бағишлайди. Йўлак таъмирланган. Атрофига гуллар экилган. Хуллас, ҳаммаси жойида.

Шаҳримизнинг кўплаб туманларида айрим маҳаллалар ҳудудида тўпланган чиқиндиларни кўриб, «Лоқайд ва бефарққа ободлик ҳам, тозалик ҳам керак эмас», деган фикрга келдик. «Миришкор» маҳалласига борганимизда бунинг яна бир исботини кўрдик. 37-уйнинг 5-кириш йўлаги тўғрисида тўпланиб турган чиқинди бунга далилди.

Туманларни айланиб, мана шундай турфа ҳолатларнинг гувоҳи бўлдик. **Сергайрат**, **ташаббускор** кишилару **лоқайд ва эринчок**, айниқса фақат «ақл» ўргатиб, ўзи меҳнат қилмайдиганлар билан ҳам суҳбатлашдик. Тўғри, аксарият мутасаддилар имкон қадар ўз вазифаларини бажаришяпти. Биз бу ширкатнинг иши, бу ерни кўча супурувчилар тозаласин,

деган баҳоналар билан уйлариимизнинг ободлигига озодлигини сақлай оляпмизми? Бундай дейишимиздан мақсад туманларни айланаётганимизда илгари борган жойларимизга ҳам назар ташладик. Баъзи жойларда камчиликларга барҳам берилган бўлса-да, афсуски, айрим маҳаллаларда ахвол ҳамон ўша-ўша.

Ваҳоланки, барча маҳаллаларда оқсоқоллар билан биргаликда туман мутасаддилари деярли ҳар кўни эрта саҳардан ҳудудларни айланиб, камчиликларни тезда бартараф этиш чораларини излашаётгани ҳақиқат. Бу кўтчилиққа маълум. Аммо шу ерда яшовчилар, маҳалла-қўй, фаолларнинг ўзлари жон куйдиришмаса, бефарқ бўлишса бунинг қанчалик нафи бўлиши мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Албатта кимдир келиб уйимиз атрофи, йўлагимизни тоза-лаб туришини айтавериш шартми. Биз эса фақат томошабин бўлиб юраверишимиз инсофданми?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида 8 та йўналиш бўйича комиссиялар фаолият олиб бораётган бўлиб, улардан бири айнан шу соҳага ихтисослашган, яъни «Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўаламзорлаштириш бўйича комиссия» деб номланган.

Ушбу комиссиянинг асосий вазифаларига: аҳолининг уйлари, ҳовилилардаги биноларни, ҳовилилар ва уйлари атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўаламзорлаштириш ва орас-та сақлаш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар, коммунал тармоқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлаш, тарих ва маданият ёдгорлиқларини, қабристонларни таъмирлаш ишларида қатнашишларини ташкил этиш; аҳоли томонидан чиқиндиларнинг белгиланган жойларга ташлианишини назорат қилиш, мавсумий ҳазонлар ёқилишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш; фуқаролар йиғини аъзоларининг экологик маданиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишига доир тарғибот ишларини амалга ошириш ишлари кирди. Амалда қандай бўляпти.


Демак, маҳаллалардаги дилини хира қиладиган ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан ушбу комиссия фаолиятини янада самарали ташкил этиш лозим бўлади. Шунингдек, комиссия аъзолари маҳаллада яшовчи фуқаролар, айниқса ёшлар ўртасида маҳалла ҳудудини тоза ва саришта сақлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришлари зарурдир.

Бундан ташқари, қолган еттига комиссиянинг ҳам ҳар бири ширкатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, муайян ҳудудга бириктирилса, маҳалладошларни сафарбар қилган ҳолда кенг кўламдаги ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларини амалга оширса бўлади. Ахир маҳалланинг тозаллиги барчанинг иши-ку.

Ҳа, ҳамжиҳатлик ва жонқурлик бор жойда ободлик бўлади. Мухими, аҳолининг кўтчилиги бу масалада бефарқ эмас. Жойлардан бизга кўнги-роқлар бўляпти, жавоблар йўллашяпти, ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришяпти. Баъзи боролмаган маҳаллаларимиз ахли «Бизга қачон келасиз?», дейишяпти. Демак, биз бу ишни келгусида ҳам давом эттириб, бошқа маҳаллаларга ҳам боришимиз керак экан, деган фикрга келдик.

Хулоса шуки, таклифингизни бажонидил қабул қиламиз ва тез орада сизлар билан яна учрашамиз, азизлар.

Зийрак бобога Абдуалим САЛИМОВ
ва Исом ИСМОИЛОВлар
ҳамроҳлик қилишди.



ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

Яхши хислат олий мартаба ва юксак даражага етказувчидир. Аммо бунга етишиш воситаси илм ва одоб бойлигидир.

Яхшилиқ қилган одамнинг мин-тан билан камситишга уринма.

Хусайн воиз Кошифий айтади:

— Гўзал феъл-атворнинг нишон-наси 10 нарсадир: биринчиси — яхшилиқ, иккинчиси инсофли бўлиш, учинчиси бошқа одамдан айб қидирмаслик, тўртинчиси бирор кишида ножўя ҳаракат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш, бешинчиси бир одам ўз айбига икром бўлиб уэр этса узрини қабул қилиш, олтинчиси бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш, еттинчиси очик юзли, ширин сўзли бўлиш, тўққизинчиси муҳтожларнинг ҳолатини чиқариш, ўнинчиси мулоим ва меҳрибон бўлишдир.

Қачон, қаерда, қандай ва нимаки қилсак — хоҳ яхшилиқ, хоҳ ёмонлик, ҳаммаси ҳам бир кун ўз мевасини беради.

Илтижо билан ёрдам сўровчи кишининг ҳимоячиси бўл, бундан яхшироқ яхшилиқ бўлмайди.

Бир донишманд айтади:

— Ўғлим, юксак ахлоқ эгаси бўл, яхшилиқ қил, ёмон, бузук йўлга асло яқинлашма, гўзал ахлоқинг билан ҳамманинг муҳаббатини ўзингга жалб қил. Хотин ва фарзандларингга меҳрибон бўл. Дўстларингга лутф-эҳсон кўрсат, шу васиятларимга амал қилсанг, ҳаётинг ҳушвақтлик билан кечад.

Яхши гапириш учун етарли ақлга, сукут сақлаш учун мулоҳазага эга бўлмаслик бахтсизликдир.

Яхши суҳбатдош бўлишнинг фақат бир усули бор: бу диққат билан тинглай билишдир.

Яна Азиз ибн Муҳаммад Насафий айтади:

— Одамнинг ташқи қиёфасига эмас, ички дунёсига эътибор бериш керак. Агар одамнинг ташқи қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам гўзал бўлса, яна ҳам яхшироқдир. Ақлли, доно одам ҳаммани кўриб билади. Яхшиларнинг фикрларини, кўрсатмаларини жон дили билан қабул қилади. Шунга кўра унинг қилган ишлари бекорга кетмайди, яхши натижалар ҳосил қилади. У одам мурод-мақсадига етади.

Виждон — яхшилиқни ёмонликдан ажратадиган, яхшилиққа йўналтирадиган кучли қувватдир.

Яхши кишилар — юксак ахлоқий етуклик ва юксак ахлоқий обрў билан ажралиб турадилар.

Яхшилиққа ҳар ким ҳам яхшилиқ қила олади, ёмонликка эса яхшилиқ қилиш фақат чин инсоннинг қўлидан келади.

Кайфиятни кўтарадиган манзаралар...

Дилни хира қиладиган ҳолатлар...

Яшнобод тумани



«Мустақиллик» маҳалласидаги 19-уйнинг 1-кириш йўлаги



«Парвоз» маҳалласидаги 31-уй олдидаги обод майдон



Жўрабек номли маҳалладаги 25-уйнинг 2-кириш йўлагидаги ҳолат



«Бирлашган» маҳалласидаги 1-кўп қаватли уй олдидаги ахвол

Бектемир тумани



«Роҳат» маҳалласидаги 44-б уйнинг 1-кириш йўлаги



«Истикбол» маҳалласига қарашли 1 ва 2-уйлар олдидаги болалар майдончаси



Хусайн Бойқаро номли маҳалланинг 76-уй 3-кириш йўлагидаги ахвол



Зилола номли маҳалладаги 75-уйнинг орқасидаги катта чиқинди майдони

Сергели тумани



«Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини идораси олдидаги кўаламзорлаштирилган жой



Ҳабибий номли маҳалладаги 17-уйнинг 1-кириш йўлаги




«Тинчлик» маҳалласидаги 25-уйнинг ёнидаги автотураргоҳ бўлиши мўлжалланган майдон



А.Темур номли маҳалладаги 76-уйнинг 2-кириш йўлаги олдидаги ахвол

Бешинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Тошкент қайси йили ва қайси ташкилот томонидан «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинган?

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга оцаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми»

«Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб голиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган голиб аниқланади.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ голиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар:
233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

«101»

АВТОМОБИЛИНГИЗНИ
ЭХТИЁТ ҚИЛИНГ

Республикада жаҳон талабларига жавоб берадиган хилма-хил енгил машиналар ишлаб чиқарилаётгани қувонарли ҳол.

Кундан кунга моҳир машина ҳайдовчилар ва эндигина ўрганиб рулга ўтираётганлар кўпайиб бормоқда. Уларнинг нияти тезроқ ўз манзилларига етиб бориш.

Шундай инсонлар борки, машиналарига эътибор билан ҳатто мойга ботиб турадиган мотор қисмларини ҳам ялтиратиб қўйишади. Айрим инсонлар эса эрталаб машинага миниб, тезроқ ишхонага етиб бориш ёки бошқа ишларга чалғиб, «темир тойчоқлари»га аҳамият беришмайди. Энг ёмони эса махсус устага кўрсатмадилар. Айнан мана шу эътиборсизлик бир кун иш устида шошиб турган, айниқса йўлда кетаётган вақтида машинанинг тўхтаб қолишига ёки бошқа кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши мумкин. Йўлда тўхтаб қолса майли, машинанинг техник носозлиги туфайли бошқа бир ҳолатларга олиб келиб кўнгилсизликлар рўй бериши ҳам мумкин. Ахир машинанинг асосий юргизадиган ва жойидан қўзғатадиган нарсаси бу унинг ёқилгиси. Ёқилги эса яъни бензин ёки керосин салгина лоқайдлик ва эътиборсизлик қилинса дарҳол ёниб кетишига олиб келади.

Машинани кунни бўйи ҳайдаганга, айниқса ҳайдаш муддати бир оз ўтган бўлса, унинг электр симлари ва бошқа нозик қисмлари ҳам қизиқ кетишига ва ўзаро қисқа туташув ҳамда бошқа кўнгилсиз воқеаларга сабабчи бўлади.

Афсуски кўпайиб оммавий ахборот воситалари ёрдамида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилиш ҳақида тарғибот-ташвиқот ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилаётган бўлса-да, айрим фуқаролар ичида етарлича аҳамият бермаётганлар учраб турилади.

Бу каби кўнгилсиз ҳолатларга дуч келмаслик учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни ҳамда машинада ёнғин ўчиргични олиб юришни унутманг!

Нуриддин ЮЛЧИЕВ,
Тошкент метрополитенини
қўриқлаш бўйича
ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими
инспектори, сержант

ФАРЗАНДАРИМИЗ
БЎШ ҚОЛМАСИН

Ёз фасли аслида ота-оналар учун масъулиятни икки ҳисса ошириш палласи ҳисобланади.

Бундай дейишимизга сабаб ёзги таътилда фарзандларнинг назорати фақат ота-оналарнинг зиммасига тушади. Улар сал эътибордан четда қолиб кетишса, тенгдошлари билан кўчада ўйин ўйнаб, қизикши билан гуғурт қақиб, бирон нимани ёқиб кўришлари эҳтимоли бор. Бу эса ёнғинга олиб келувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Бу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун катталарнинг фарзандлари ҳамда маҳалладаги бошқа болаларга ҳам эътибор билан қарашлари муҳим аҳамиятга эга. Асосийси, уларнинг юриш-туришларидан хабар олиб туришлари лозим.

Ислом ХУСАНОВ,
Учтепа тумани ИИБ ЁХБ инспектори,
сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Юнусобод Иқтисодиёт коллежи ошхонасида 2015-2016 ўқув йили учун соғлом овқатланишни тартибга солиш мақсадида тендер эълон қилинади.

Манзилимиз: Юнусобод 19-мавзе, 37-уй. Тел: 220-02-63, 93/551-27-36

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

ди. Ҳарорат кечаси — 19-21, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 24 июнь кунги ҳаво ўзгариб 24 июнда Тошкент шаҳридаги вақти-вақти билан ёмғир, жасала ёғиши ҳар ҳаво муҳитида зарарли бўлади. Фарбдан секундида ли моддаларнинг бир оз 5-10 метр тезликда, кучайтарқалиб кетишига имкони ҳада секундида 15-20 метр тезликда шамол эс-даражаси паст бўлади.

Одам савдосига қарши курашиш — долзарб вазифа

ДАВР МУАММОСИ

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Миробод тумани идоралараро комиссияси томонидан семинар ташкил этилди.

Семинарда Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокими, туман идоралараро комиссияси раиси Ш.Қодиров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ёшларнинг келажақда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишига кенг имконият яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда одам савдоси инсон, унинг ҳуқуқлари, қадр-қиммати, осойишта ҳаёти ва келажағига жиддий таҳдид солаётган жаҳон миқёсидаги долзарб муаммага айланган. Ўшбу глобал иллатга қарши курашиш юзасидан мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига

қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёшларимиз ҳозирги глобаллашув, ахборот алмашишнинг кескин ўсиши шароитида ҳар хил салбий оқимларнинг таъсирига тушиб қолмасликлари, уларнинг бандлик даражасини ошириш учун оилада тарбиянинг ролини кучайтириш, йигит-қизларни меҳнатсеварликка ўргатиш, қолаверса, маҳалла, таълим муассасаси ва оилаларнинг ҳамкорлигидаги фаолиятига масъулият билан ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундай тадбирлар фуқаролар, айниқса, ёшларнинг

одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар моҳиятини тўла англаб етишига хизмат қилади, — дейди Миробод тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори ўринбосари Бекзод Олимов. — Зеро, масала моҳиятини яхши тушунган, интеллектуал салоҳияти юқори инсонни ҳеч қим тўғри йўлдан қайтаролмайди.

Йил давомида ўқувчи-ёшлар орасида мустақиллигимизни эъзозлаш, ёшларни диний ақидапарастлик ва экстремистик ҳаракатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва тарбиявий ишларни кучайтириш мақсадида тумандаги барча таълим муассасаларида «Кулликка рози бўлманг!», «Огоҳ бўлинг, одамлар!», «Одам савдоси — миллатга қарши иллат», «Сенинг тақдиринг ўз қўлингда» каби мавзуларда турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Шайхонтохур туманидаги 59-умумтаълим мактабида туманда жойлашган корхона-ташкilot ва муассасаларда фаолият олиб борувчи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкilot аъзолари иштирокида минни-футбол бўйича «Камолот» кубоги» турнирининг туман босқичи ўтказилди.

Мусобақалар

«КАМОЛОТ» КУБОГИ
СОҲИБИ АНИҚЛАНДИ

Мусобақа корхона-ташкilot ва муассасаларда фаолият олиб борувчи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкilot аъзоларининг минни-футболга қизиқишларини ошириш, жисмоний тарбия ва спортга доимий жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ташкilot этилди. Беллашувда жами тўртта жамоа қатнашиб, ўзаро голиблик учун курашди.

— Ўшбу мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад спортни кенг ва оммавий тарзда ривожлантиришдан иборат, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши раиси ўринбосари, «Камал» болалар ташкilotи раиси Насиба Ваисова. — Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг

2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ва уларни кўллаб-қувватлашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, 1-ўринни «Дори-Дармон» АК жамоаси эгаллади. Голиблар «Камолот» ЁИХ туман Кенгашининг дипломи, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, голиб жамоа мусобақанинг шаҳар босқичида иштирок этиш йўлланмасини кўлга киритди.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ

«Ўзбектелеком» АК «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб телекоммуникациянинг универсал хизматлари ва айрим телекоммуникация хизматлари тарифларининг чекланган даражалари учун янги тарифлар амалга киритилишини маълум қилади:

Умумий фойдаланишдаги маҳаллий телефон тармоғи хизматлари						
ХИЗМАТ ТУРЛАРИ	Тўлов миқдори, сўмда					
	Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкilotлар		Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкilotлар		Аҳоли	
	абонент тўлов тизими бўйича	вақтбай тўлов тизими бўйича	абонент тўлов тизими бўйича	вақтбай тўлов тизими бўйича	абонент тўлов тизими бўйича	вақтбай тўлов тизими бўйича
Якка тартибда симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган асосий телефон апаратидан фойдаланганлиги учун абонент тўлови						
шаҳар телефон тармоғида	2705	2530	4720	3340	2690	2040
қишлоқ телефон тармоғида	1335	920	2905	2060	1325	900

Якка тартибда фойдаланиладиган телефон учун (симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган) бир ойда белгиланган 180 дақиқа лимитдан ортиқча амалга оширилган сўзлашув учун, абонент тўловидан ташқари, ҳар бир тўлиқ ёки нотўлиқ дақиқа учун тўланадиган вақтбай тўлов миқдори 9,0 сўм.

Халқаро телефон алоқаси хизматлари	
Халқаро телефон алоқаси хизматлари	Сўзлашувнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган дақиқаси учун тўлов миқдори, сўм
Марказий Осиё (Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон)	500
Кавказ (Арманистон, Озарбойжон, Грузия)	625
Россия, Украина, Беларусь, Молдова	550

Тўлиқ ва аниқ маълумот билан www.uztelecom.uz ёки www.tsht.uz. Сайтларида танишишингиз мумкин.



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифеланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 655

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11711 нускада босилди.
Қозғ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроїлов
Топшириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 15.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ